

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ
САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**ДАЛА ЧЕТЛАРИ, КАНАЛЛАР, СУҒОРИШ ВА КОЛЛЕКТОР-
ДРЕНАЖ ТАРМОҚЛАРИНИНГ АТРОФЛАРИДАГИ
МАЙДОНЛАРДА, АҲОЛИ ТОМОРҚАСИ, ХОНАДОН ВА
КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ОЛДИ ҲАМДА МАҲАЛЛАНИНГ
ИЧКИ КЎЧАЛАРИДА САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ
ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ БЎЙИЧА
ТАВСИЯНОМА**



Тошкент -2025 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ
САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Сабзавот, полиз экинлари ва
картошқачилик илмий-тадқиқот
институтининг директори
_____ Р.А.Низомов
« _____ » _____ 2025 й.

**ДАЛА ЧЕТЛАРИ, КАНАЛЛАР, СУҒОРИШ ВА КОЛЛЕКТОР-
ДРЕНАЖ ТАРМОҚЛАРИНИНГ АТРОФЛАРИДАГИ
МАЙДОНЛАРДА, АҲОЛИ ТОМОРҚАСИ, ХОНАДОН ВА
КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ОЛДИ ҲАМДА МАҲАЛЛАНИНГ
ИЧКИ КЎЧАЛАРИДА САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ
ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ БЎЙИЧА**

ТА В С И Я Н О М А

Тошкент -2025 й

Тавсиянома Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 2025 йил 23 январдаги Илмий кенгаш йиғилишининг №1-сонли баёни билан тасдиқланган.

Ушбу тавсияномада Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда туманлардаги дала четлари, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг атрофларидаги майдонларда, аҳоли томорқаси, хонадон ва кўп қаватли уйлар олди ҳамда маҳалланинг ички кўчаларида сабзавот ва полиз экинларини парваришlash технологияси баён қилинган.

Тавсиянома деҳқон, фермер хўжаликлари, томорқа ер эгалари учун мўлжалланган.

Тузувчилар:

Р.А. Низомов – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., профессор.

Ғ.Е.Парпиев - Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Мева-сабзавот ва доривор ўсимликлар соҳасида илмий-тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, б.ф.д., катта илмий-ходим.

Т.Э.Остонақулов - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти лойиҳа раҳбари, қ.х.ф.д., профессор.

Ф.Ф.Расулов - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий котиби, қ.х.ф.д., катта илмий ходим.

Р.А.Хакимов - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудир, қ.х.ф.н., катта илмий-ходим.

С.С.Алимухамедов - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудир, б.ф.н., катта илмий-ходим.

М.М.Холдоров - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудир, б.ф.н., катта илмий-ходим.

Тақризчи:

М.Х.Арамов - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё ИТС директори, қ.х.ф.д., профессор.

М.М.Мирзасолиев - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудир, қ.х.ф.д., катта илмий ходим.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, 2025 йил.

КИРИШ

Мазкур тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-465-сон қарори ижроси бўйича тайёрланган.

Қарор қабул қилишда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четлари ҳамда каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда, ҳамда аҳоли томорқаси, хонадонлар ва кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишини самарали ташкил қилиш ва кўпайтириш орқали мамлакатнинг экспорт кўрсаткичларини ошириш мақсад қилинган.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларининг асосий қисми – фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва турли қишлоқ хўжалиги субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Улар ўзларига бириктириб берилган ер майдонлардан оқилона фойдаланиш ҳамда элимиз дастурхони тўкин бўлиши баробарида озиқ-овқат хавсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Республикаимизда катта майдонларда етиштириладиган пахта ва ғалла ва асосий экин майдонлари четларида, шу билан бирга каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда ҳамда аҳоли томорқаси, хонадонлар ва кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларидан самарали фойдаланиш, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқиришга аҳоли даромадини оширишга замин бўла олади.

Бунда асосий экинга қўшимча тарзда, дала четлари сабзавот ва полиз етиштириш тавсия этилади. Бунинг учун ушбу экинларини етиштириш технологиясини билиш лозим.

Қуйида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманларидаги дала четлари, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг атрофларидаги майдонларда, аҳоли томорқаси, хонадон ва кўп қаватли уйлар олди ҳамда маҳалланинг ички кўчаларида кичик майдонларида қандай ва қайси муддатларда сабзавот ва полиз экинларини экиш ва парваришlash кўрсатиб ўтилади.

Тавсиялар тушунарли бўлиши учун 1 сотих мисолида берилган.

Мамлакатимизда 5 та муддатларда сабзавот ва полиз экинларини етиштира бўлади:

➤ эрта баҳорда феврал ойидан бошлаб, то 10 мартгача сабзи, оқбошли ва гул карам, ош лавлаги, пиёз, редис ва барча кўкат сабзавотларни;

➤ кеч баҳорда апрел-май ойларида иссиқсевар сабзавотларни кўчати билан помидор, бодринг, ширин қалампир, бақлажон, полиз

экинларини ҳаммасини ҳамда ўрта муддатларда етиштириладиган оқбош карам, сабзи экилади;

➤ эртаги сабзавотлардан ва ғалладан бўшаган ерларга июн ойида карамнинг кечпишар навлари ҳамда 15 июлгача сабзи, ош лавлаги, картошкани ўртапишар ва эртапишар навлари ва бодринг экинлари экилади;

➤ август ойининг бошида турп, шолғом ва ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб эртапишар пиёз навларини уруғи сепилади;

➤ куз ойининг бошида сентябрнинг ўрталарида саримсоқ (чеснок) экилади. Гул карамни кўчатини, редис ва барча кўкат сабзавотлар экилади. Кузнинг охирги ойида тўқсонбости қилиб, ноябрдан то 10 декабргача пиёз, сабзи, ош лавлагининг эркаклаб кетмайдиган навлари экилади.

Маълумот учун. Сабзавот (форсчада сабза – ям-яшил, ўт, майса) –резавор ва полиз экинлари ва уларнинг овқатга ишлатиладиган маҳсули. Сабзавотларнинг барчаси озиқлик, доривор ва парҳез хусусиятига эга.

ҚОВОҚ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Палов каду-268, Испан 73, Қашқар-1644, Стофунтовая, Нон кади, Ширинтой, Батлер F1, Ферро F₁, Баходир.

Ер танлаш. Қовоқ барча ерларда ўсиши мумкин. Аммо улар енгил қумоқ тупроқли бўз янги ўзлаштирилган ерларда яхши ўсади.



Уруғни экишга тайёрлаш. Қовоқ экинидан мўл ҳосил олиш учун юқори сифатли, нав жихатидан тоза уруғлар экилиши керак. Зараркунандалар тухумидан ва ғумбакларидан тоза бўлган бир йил сақланган қовоқ уруғи энг юқори ҳосил беради. 4-5 йил сақланган уруғлар унувчанлик хусусиятини яхши сақласада, ҳосилдорлиги кескин камайиши мумкин.

Экиш учун йирик, оғир вазнли уруғлардан фойдаланилади. Бунинг учун уруғ 3-5 минут мобайнида ош тузининг 3-5 фойизли эритмасига солинади (95-97 мл сувга 3-5 г ош тузи). Эритма тагига тушган уруғлар қолдирилиб, юзасига қалқиб чиққанларидан фойдаланилмайди.

Уруғ экишдан олдин вирус касалликларига қарши 48 соат давомида 50-52°C ва 24 соат 80°C қиздирилади, кейин 3 минут 5 фойизли шўр сувда сараланади.

Уруғларни бирламчи касалликларни олдини олиш учун уларни экишдан олдин Фундазол препарати (1 кг уруғга 4-8 г) билан ёки Максим (4 г 100 г сувга аралаштириб 1 кг уруғ намланади) билан намлаб экиш тавсия этилади. Яна уруғ бирорта таркибида азот – 2,0%, фосфор – 2,0%, калий – 3,0%, микроэлементлардан - Co, Mn, Zn, Cu, Ni, Cr, минераллардан – B, Mo, Li, S, Se моддалари мавжуд бўлган ўсимликни ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи Гумин препаратига (0,05% ёки 0,5 г/л), солиб 12 соат давомида ивителиди. Бу жараёнда суюқлик ҳарорати 20-25°C бўлиши лозим.

Экиш муддатлари. Қовоқ экинини экиш муддати тупроқ ҳарорати билан боғлиқдир. Тупроқнинг 8-10 см чуқурликдаги ҳарорати йирик мевали ва қаттиқ пўстли қовоқлар учун 9-10°C бўлганда уруғ экила бошланади. Бундай шароит жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 10-17 мартда, марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида 20-25 марта ва шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 31-март - 11 апрел кунларига тўғри келади. Марказий ва жанубий минтақалардаги тоғли ва тоғ олди ҳудудларда баҳорги экиш муддати ҳаво ҳарорати ўсимлик учун мақбул бўлганда, паст тексликларга нисбатан 10-15 кун кечроқ экиш тавсия этилади. Баҳорни келиши билан ушбу муддатлар 5-10 кунга фарқланиб дала атрофларига қовоқ уруғи экилиши мумкин.

Уруғни экиш чуқурлиги. Уруғни майда ёки йириклиги, тупроқнинг намлиги, физик ҳолати ва экиш муддатига кўра 3-4 смдан то 6-8 см гача бўлиши мумкин. Уруғлар меъёридан чуқур экилса ҳаво етишмай тупроқ қатламини енга олмай ниҳоллар кучсизланиб нобуд бўлади. Ёки уруғ саёз 1-2 смга экилса тупроқ юзасида намлик етишмаслиги сабабли уруғ бўртиб пайдо бўлмаслиги мумкин.

Экиш схемаси. Дала четлари, ғаллазорлар атрофига қовоқ уруғини экиш учун аввало, у ерларга сув юрадиган ариқ олинади. Уруғ ариқни ташқари томондан ёнига экилади. Дала атрофларида тутзорлар ёки бошқа дарахтлар бўлса уруғ экиладиган ариқ 4-5 м ичкаридан олишниши керак. Шунда палаги узун бўлган қовоқ экинига дарахтлар ҳалақит бермайди.

Дала четлари, ғаллазор периметри бўйича қатордаги ўсимликлар ораси бир метр бўлиши керак. Унинг учун ҳар уяга икки-учтадан уруғ ташланади. Кейинчалик 1-2 та чин барг пайдо бўлгандан кейин битта нимжон ниҳол кесиб ёки синдириб олинади. Ниҳол юлиб олинса қолган ўсимликни илдизи шикастланади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, яна дала атрофидаги техника ва комбайн кириб чиқадиган энига ариқ олинмайди ва қовоқ экилмайди.

Уруғни экиш меъёри. Уруғни майда-йириклигига қараб ҳар бир уяга 2-3 донадан қовоқ уруғи экилади.

Ўғитлаш. Қовоқ экинига минерал тузларнинг таъсир этувчи (кг/га) модда ҳисобида солиш меъёри (1 соток) бўз тупроқларда азот 1,0-1,2 кг, фосфор-1,0-1,2 кг ва калий 0,5 кг. Минерал ўғитлардан ташқари суғориш билан бирга 2-3 марта шарбат оқизиш мумкин.

Суғориш. Қовоқ ўсимлиги илдиз қисми жойлашган тупроқ қатламида намнинг етарли, тупроқ сатҳининг эса қуруқ бўлиши талаб этади. Унга сув берилган вақтида илдиз бўғзигача захлатиб суғориш фузариоз сўлиш касаллиги билан зарарланишига ва ўсимликни нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Ғаллазор атрофига экилган қовоқни алоҳида суғориш ишлари асосан ғалла ҳосили йиғиштириб олингандан кейин бошланади. Бу муддат жанубий вилоятларда май ойининг 2-ярмига тўғри келса, қолган ҳудудларда июн ойига тўғри келади. Ана шу муддатларда қовоқ ўсимлиги гуллай бошлайди.

Полиз экинлари ичида қовоқ ўсимлиги бир мунча намга талабчан ҳисобланади. Иссиқ иқлим шароитида тупроқда намнинг ортиқча бўлиши ёки етишмаслиги ҳосилдорликни камайтиради ва меваларни товар кўриниши ҳамда сифатини пасайтиради.

Дала атрофига экилган қовоқ ўсимлиги жанубий минтақаларда 6-8 марта; марказий минтақаларда 4-5 марта ва шимолий минтақаларда 2-3 марта суғорилиши керак.

Экинга ишлов бериш қуйидагилардан иборат: қатқалоққа қарши тупроқ юзасини юмшатиш. Биринчи чин барг чиққанда уяда 2 тадан

Ўсимлик қолдирилиб қолганини чилпиш. 3-4 та чин барг чиққанда иккинчи марта чилпиш ўтказиб, уяда биттадан ўсимлик қолдирилади. Ниҳоллар бўлмаган уяларга уруғ экиб қўйилади ва бараварига қатор орасидаги ўтлар чопиқ қилинади. Ўсимлик гуллай бошлаганда қатор ораси иккинчи марта чопиб юмшатилади ва тупроқ ўсимлик атрофига уйиб қўйилади. Кейинчалик ўсимликлар қатор орасида пайдо бўлган йирик бегона ўтлар юлиб ташланади.

Ҳосилни йиғиштириш. Ҳосил ўз вақтида йиғиштирилса сифати юқори бўлади ва ҳосили камаймайди. Қовоқнинг барча навлари август ойининг охири - сентябр ойларида етилади. Қовоқ мевалари дарҳол истеъмол қилинадиган бўлса, улар тўлиқ етилган вақтда 1-2 марта терилади. Қовоқ маҳсулоти республикадан четга чиқариладиган бўлса мевалари етилишга бир неча (5-10) кун қолганда йиғиштирилади. Қовоқ мевалари қишда сақлашга режалаштирилган бўлса, уларнинг ҳосили етилишига қараб бир ёки икки марта танлаб териб олинади. Ҳосилни йиғиб олишдан 10-15 кун олдин суғориш ишлари тўхтатилади, ариқлар текисланади.

Йирик мевали Испан-73 ва Стофунтовая қовоқлар пишганда ранги ўзгаради, мева банди қуриб пўкаклашади. Мускат қовоқларидан- Қашқар-1644 ва Палов каду-268 меваларининг қобиғини ранги ўзгариб, расмлари яққол кўринади.

Қовоқ экини зараркунанда ва касалликлари. Зараркунандалари: полиз ширасига 20% н.кук. Моспиландан-3,0 г, оқ қанотга 25% н.кук. Апплауд дорисидан- 5,0 г, . полиз қўнғизи, ғовакловчи пашшага 25% эм.к. Дефентокс -5 мл. ҳисобида пуркаш лозим. Илдиз чириш, фузариоз сўлиш, ун шудринг, Топаз 10% - 1,5 - 3,0 г ёки Топсин М 70% - 10,0 г ҳисобида 10 л сувда ишчи эритма тайёрлаб ишлатиш тавсия этилади. Кураш усуллари агра-техник, биологик ва кимёвий усуллар киради. Уларга қарши тумандаги ушбу соҳа мутахассислари ёрдам берадилар.

ПОМИДОР

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Эртапишар Дўстлик, Сахий, Шафақ, Севара, ўрта-эртапишар Тошкент тонги, ўртапишар Мустақиллик 28, Барлос, Юлдуз, Найман, ТМК-22, Ўзбекистон-178, Сурхон-142, Баҳодир, Ситора, Истиқлол-10, хорижнинг Montana F₁, Atlanta F₁, Florida F₁, 2274, Mandur.



Кўчат танлаш. Помидор кўчатлари 40-45 кунлик, пояси ва илдизлари дуркун ривожланган, барглари тўқ яшил тусда, соғлом бўлиши лозим.

Ер тайёрлаш. Помидор экиш режалаштирилган ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларида бошланади, ҳосилдан бўшаган майдондаги йирик

Ўсимликлар қолдиқларидан тозаланиб, маҳаллий ўғит сочиб чиқилади. Берилиши лозим бўлган маданий ўғитлар миқдорини бир қисми қўлда сочиб чиқилиб, кейин майдон 28-30 см чуқурликда юмшатилади. Экишга тайёрлашни кейинги тадбирлари экишдан олдин бажарилиб, майдонлар 14-16 см чуқурликда юмшатилади. Йирик кесаклар хаскаш ёрдамида майдаланиб бир йўла ер текислаб олинади, кейин 70 см ёки 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

Экиш муддати ва схемаси. Ёши 40-45 кунлик помидор кўчати жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида: эртаги навлар мартнинг III ўн кунлигида, ўрта ва кечпишар навлар апрелнинг I-II ўн кунлигида; марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида эртапишар навлар апрелнинг I-ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг II-III ўн кунлигида ҳамда майнинг I-II ўн кунлигида, уруғ билан очик майдонга апрелнинг I-ўн кунлигида; шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида эртапишар навлар апрелнинг II-ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг III-ўн кунлигида, майнинг I-ўн кунлигида ва уруғ билан очик майдонга апрелнинг II-ўн кунлигида экилади. Марказий ва жанубий минтақалардаги тоғли ва тоғ олди худудларда баҳорги экиш муддати ҳаво харорати ўсимлик учун мақбул бўлганда, паст текисликларга нисбатан 10-15 кун кечроқ экиш тавсия этилади.

Помидорнинг эртапишар ва ўртапишар навлари у қадар нишаб бўлмаган далаларда 70×25 см, текис майдонларда 90×25 см, узун палакли навлар 90×40 см схемада экилади. Экилгандан кейин кўчатларни албатта суғориш зарур. 1 сотих майдонга экиш схемасига қараб 280-570 та кўчат сарфланади.

Парваришлаш. Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилганидан 10-12 кундан кейин бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади. Биринчи парваришладан 12-15 кун ўтгач, иккинчи сув берилади. Тупроқ етилгандан сўнг яна бир бор чопиқ қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ помидор кўчатининг атрофига босилади. Помидор ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл ҳосил бериши учун унинг илдизи жойлашган қатлам ҳаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув эгат оралатиб қўйилгани маъқул.

Ўғитлаш. Помидор етиштиришда тук ҳолда 1 сотих майдонга 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор ўғитлари берилади. Помидор сувга талабчан ўсимлик бўлиб, сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида суғоришда ҳар гал 1 сотихга 5-6 м³ ҳисобидан 18-20, сизот суви юза ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда 12-15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8-12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда эса 5-7 кунда

суғорилади. Куз бошлангандан кейин экин камроқ суғорилади. Помидор қийғос пишганда ёрилиб кетмаслиги учун навбатдаги ҳосил териб олингандан кейин сув берилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Агротехник тадбирлар алмашлаб экишни қўллаш, ўсимлик қолдиқларини йўқотиш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашиш, вирус касаллигига чидамли помидор навларини экишдан иборат. Уруғни экишга тайёрлашда мажбурий тадбирлардан бири уларни вирусли ва бактериал касалликлардан холи қилишдир. Уруғ экишдан олдин вирус касалликларига қарши 48 соат давомида 50-52°C ва 24 соат 80°C қиздирилади, кейин 3 минут 5 фоизли шўр сувда сараланади.

Биологик усулда кузги тунлам ва ғўза тунлами тухумига қарши трихограмма (ҳар бир авлодга 1 г дан 3 марта); куртларига қарши (бракон 100 дона), сўрувчи зараркунандаларга қарши олтинкўз, оққанотга қарши энкарзия, макролофис энтомофаглари қўлланилади. Занг канага қарши олтинкўз энтомофаги яхши самара беради.

Помидорда асосий зараркунандаларидан шира, оққанот, трипс, занг канага қарши 1 сотихга Перфекто 17,5 сус.к. (2,0-3,0 мл), Каратэ 5% эм.к., Моспилан 20% н.кук. (2,5-3,0 г) ва ғўза тунламга Аваунт 15% эм.к. (4,0 мл), Дефентокс 25% эм.к. (5 мл) препаратлари қўлланилади.

Касалликлардан меваларнинг учидан чириши, бактериал қора доғ, фитофтороза, ун шудринг, фузариоз ва вертициллийоз сўлиш, мозаика, столбур учрайди. Ун шудрингга қарши Лотос 10 % эм.к (3,0 мл), фитофтороз, альтернариозга Курзат Р н.кук. (20,0-25,0 г), Прокуре 77,2% с.э.к. (10,0 мг) ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини қўллаш мумкин. Бу кимёвий препаратларни соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб қўллаш зарур.

Ҳосилни йиғиштириш. Помидор мевалари поясида тўлиқ пишган, лекин ҳали қаттиқ бўлганда етилган ҳисобланади. Оч ёки тўқ қизил рангга кирган меваларни авайлаб, пояга шикаст етказмасдан синдириб олиш мумкин. Терилган помидорларни салқин жойга қўйиш лозим. Баъзида кўк помидорларни биринчи қаттиқ совуқ тушишидан олдин териб олиб, салқин жойда сақлашга қўйилади. Пишган помидор вақтида териб олинмаса поясидан оқиб тушади.

ШИРИН ҚАЛАМПИР

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Эртапишар Наргиза, Тонг, Жайхун F₁, ўртапишар Заря Востока, Дар Ташкента, Юлдуз, Сабо, Маржона, кечпишар Зумрад, хорижнинг Рубикон F₁, Блек Пеарл F₁, Ферари F₁, Каролина F₁.



Кўчат танлаш. Экиладиган ширин қалампир кўчатлари 40-45 кунлик, 6-7 баргли, пояси ва илдизлари дуркун ривожланган, барглари тўқ

яшил тусда, соғлом бўлиши лозим.

Ер тайёрлаш. Экиш режалаштирилган ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланиб, ҳосилдан бўшаган майдондаги йирик ўсимликлар қолдиқларидан тозаланади, 10 сотих ерга 2000 кг чириган гўнг сочиб чиқилади. Берилиши лозим бўлган маданий ўғитлар миқдорини бир қисми қўлда сочилиб, кейин майдон 28-30 см чуқурликда юмшатилади, хаскаш ёрдамида йирик кесаклар майдаланиб бир йўла ер текислаб олинади, кейин 70 см ёки 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

Экиш муддати ва схемаси. Ширин қалампир кўчатларини жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мартнинг III ўн кунлиги, марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида апрелнинг II-III ўн кунлигида ва шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида апрелнинг III ва майнинг I ўн кунлигида 70×30 см ёки 70×40 см тизимида, ер ости сувлари яқин бўлган ерларда 90×25 см схемада экилади.

1 сотих майдонга экиш схемасига қараб 445-475 та кўчат сарфланади. Марказий ва жанибий минтақалардаги тоғли ва тоғ олди ҳудудларда баҳорги экиш муддати ҳаво харорати ўсимлик учун мақбул бўлганда, паст текисликларга нисбатан 10-15 кун кечроқ экиш тавсия этилади.

Парваришлаш. Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилгач 10-12 кундан кейин бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади. Биринчи парваришлашдан 12-15 кун ўтгач, иккинчи сув берилади. Тупроқ етилгач, яна бир бора чопиқ қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ кўчатнинг атрофига босилади. Ширин қалампир ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл ҳосил бериши учун унинг илдизи жойлашган қатлам ҳаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув эгат оралатиб қуйилгани маъқул.

Ўғитлаш. Ширин қалампир етиштиришда тук ҳолда 1 сотих майдонга 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор ўғитлари берилади. 1 кг аммофос ва 0,75 кг калий хлор ҳайдовдан олдин 200 кг чириган гўнг билан бирга солинади.

Ширин қалампир сувга талабчан ўсимлик бўлиб сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида суғоришда ҳар гал 1 сотихга 5-6 м³ ҳисобидан 18-20, сизот суви юза ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда 12-15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8-12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда эса 5-7 кунда суғорилади. Куз бошлангандан кейин экин камроқ суғорилади. Ширин қалампир ҳаддан ошиқ захлатиб юборилса, сўлиш касаллигига чалинади, шунинг учун тупроқнинг намланиши ўсимлик поясига 5-10 см қолганда суғоришни тўхтатиш лозим.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Асосий зараркунандалардан - шира, каналар, оққанот, трипсга қарши 1 сотих экин майдонига Конфидор 20% эм.к. (2,5-3,0 мл), Моспилан 20% н.кук. (2,5-3,0 г) препаратларидан бирортаси ишлатилади.

Касалликлардан меваларни учидан чириши, бактериал қора доғ, сўлиш, мозаика, столбур кузатилади. Ун шудрингга қарши Прокуре 77,2% с.э.к (10,0-20,0 г), Курзат Р н.кук. (20,0-25,0 г) ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини қўллаш мумкин. Бу кимёвий препаратларни мутахассислар назоратида қўллаш зарур.

Ҳосилни йиғиштириш. Ширин қалампир жуда ўзига хос ўсимлик бўлиб, мевасини кўклигида ҳам, қизарганида ҳам истеъмол қилиш мумкин. Ширин қалампир кўклигида йиғиб олинса, ҳосил миқдори Максим-0,4л/га, 31,2% Селес Топ-0,4-0,6л/га, нисбатан кўпроқ бўлади. Кўклигида йиғиб олинмаса 20-30 кун ичида қизил тусга киради ва мевасида А ва С витаминлари анча ошади. Ҳосил йиғишда меваларни кесиб олишга ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда экин новдалари синиб кетиши мумкин.

АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Марғилон-330, Пикантный, Учқун, Тилларанг, Мумтоз, Саид, Дилноз-2019, Ният, Шарқ гавҳари.

Кўчат танлаш. Экиладиган аччиқ қалампир кўчатлари 40-45 кунлик, 8-10 баргли, пояси ва илдизлари дуркун ривожланган, барглари тўқ яшил тусда, соғлом бўлиши лозим.



Ер тайёрлаш. Аччиқ қалампир экиш режалаштирилган ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланиб, ҳосилдан бўшаган майдондаги ўсимликлар қолдиқларидан тозаланиб, маҳаллий ўғит сочиб чиқилади. Берилиши лозим бўлган минерал ўғитлар миқдорининг бир қисми қўлда сочилгач, майдон 28-30 см чуқурликда юмшатилади. Экишга тайёрлашни кейинги тадбирлари экишдан олдин бажарилиб, майдонлар 14-16 см чуқурликда юмшатилади. Йирик кесаклар хаскаш ёрдамида майдаланиб, бир йўла ер текислаб олинади, кейин 70 см ёки 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

Экиш муддати ва схемаси. Аччиқ қалампир кўчатларини жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мартнинг III ўн кунлиги, марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида апрелнинг II-III ўн кунлигида ва шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида апрелнинг III ва майнинг I ўн кунлигида 70×30 см тизимида, ер ости сувлар яқин бўлган ерларда 90×20 см тизимида экилади. 1 сотих майдонга экиш схемасига қараб 475-714 та кўчат сарфланади. Марказий ва жанубий минтақалардаги тоғли ва тоғ олди ҳудудларда

баҳорги экиш муддати ҳаво ҳарорати ўсимлик учун мақбул бўлганда, паст текисликларга нисбатан 10-15 кун кечроқ экиш тавсия этилади.

Парваришлаш. Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилганидан 10-12 кундан кейин бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади. Биринчи парваришладан 12-15 кун ўтгач, иккинчи сув берилади. Тупроқ етилгач, яна бир бора чопиқ қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ аччиқ қалампир кўчатининг атрофига босилади. Аччиқ қалампир ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл ҳосил бериши учун унинг илдизи жойлашган қатлам ҳаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув эгат оралатиб қўйилгани маъқул.

Ўғитлаш. Аччиқ қалампир етиштиришда тук ҳолда 1 сотих майдонга 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор берилади.

Аччиқ қалампир сувга талабчан ўсимлик бўлиб, сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида суғоришда ҳар гал 1 сотихга 5-6 м³ ҳисобидан 14-16, сизот суви юза ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда 10-12 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 10-14 кунда суғорилади. Куз бошлангандан кейин экин камроқ суғорилади. Аччиқ қалампир ҳаддан ортиқ суғорилганда ундаги аччиқлик хусусияти пасайиб кетиши мумкин.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Асосий зараркунандаларидан шира оққанотга Моспилан 20% н.кук. (2,5-3,0г) каналарга Вертимек 1.8% эм.к. (5мл) қарши 1 сотих майдонга қўлланилади. Касалликлардан - меваларнинг учидан чириши, бактериал қора доғ, сўлишга қарши Топаз 10 % эм.к. (1,5мл), Курзат Р н.кук. (20,0-25,0 г) 10 литр сувда ёки 1 фоизли Бордо суюқлигининг 60-70 литр сувга тайёрланган аралашмасини қўллаш мумкин. Бу кимёвий препаратларни мутахассислар назоратида қўллаш зарур.

Ҳосилни йиғиштириш. Аччиқ қалампирни кўклигида ҳам, қизарганида ҳам истеъмол қилиш мумкин. Аччиқ қалампир кўклигида йиғиб олинса, ҳосил миқдори нисбатан кўпроқ бўлади. Совуқ тушиши арафасида аччиқ қалампир пояси мевалар билан биргаликда тупроқдан суғуриб олиниши, қуритилиши ва кейинчалик ишлатилиши мумкин.

БАҚЛАЖОН

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Аврора, Алмаз, Замин F₁, Феруз, Глобус.

Уруғ танлаш. Экиладиган уруғи тоза, юқори унвчан, касалликлардан ҳоли, синмаган, вазндор бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Уруғ сепиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. 1 сотихга 150-



200 кг чириган гўнг солинади. Ер 20-25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати. Бақлажон кўчатларини жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мартнинг III ўн кунлиги, марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида апрелнинг II-III ўн кунлигида ва шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида апрелнинг III ва майнинг I ўн кунлигида 70×40 см тизимида, ер ости сувлар яқин бўлган ерларда 90×30 см тизимида экилади. 1 сотих майдонга экиш схемасига қараб 350-360 та кўчат сарфланади. Марказий ва жанубий минтақалардаги тоғли ва тоғ олди ҳудудларда баҳорги экиш муддати ҳаво ҳарорати ўсимлик учун мақбул бўлганда, паст текисликларга нисбатан 10-15 кун кечроқ экиш тавсия этилади.

Парваришлаш. Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тўлиқ тутиб олгач бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади. Биринчи парваришладан 12-15 кун ўтгач иккинчи сув берилади. Тупроқ етилгач яна бир бора чопиқ қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ кўчатнинг атрофига босилади. Бақлажон ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл ҳосил бериши учун унинг илдизи жойлашган қатлам ҳаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув эгат оралатиб қуйилгани маъқул.

Ўғитлаш. 1 сотих майдонга тук ҳолда 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор ўғитлари берилади. 1 кг аммофос ва 0,75 кг калий хлор ҳайдовдан олдин 200 кг чириган гўнг билан бирга солинади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида суғоришда ҳар гал 1 сотихга 5-6 м³ ҳисобидан 18-20, сизот суви юза ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли ерларда 12-15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8-12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда эса 5-7 кунда суғорилади. Куз бошлангандан кейин экин камроқ суғорилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Колорадо қўнғизи ўсимликларга жиддий зарар етказди. Бу зараркунандага қарши курашда 1 сотихга препаратлардан Дефентокс.25% эм.к. (1,5 мл) ёки Каратэ 5% к.э. (1,0 мл) препаратларини қўллаш мумкин. Ўргимчакканага қарши Омайт 57% эм.к. (15,0 мл) ёки Ниссорон 5% эм.к. (3,0 мл), оққанотга Моспила 20% н.к. (2,5г) препаратларини 10 литр сувда яхшилаб аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йиғиштириш. Бақлажон техник жиҳатдан етилганда меваси йириклашади, пўсти тўқ бинафша ранга кириб, усти ялтираб туради. Айни шу вақтда меванинг эти нозик, тахирсиз ва уруғи қотмаган бўлади. Бақлажон ҳосили 6-7 кун оралатиб банди билан узиб олинади.

Совуқ тушиши олдидан ҳосилнинг ҳаммаси, жумладан, тузлашга кетадиган майда, пишиб етилмаганлари ҳам йиғиб олинади. Пишиб кетган бақлажоннинг ранги оқара бошлайди.

БОДРИНГ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Ўзбекистон-740, Зилол, Наврўз, Мусаффо, Ғалаба, Омад, дурагайларида махаллий Сардор, Дурафшон, Эзгу, хорижий Алиби, Астерикс, Регал, Аякс, Суперина, Орзу.



Уруғ танлаш. Экиладиган бодринг уруғи тоза, юқори унувчан, касаллик юқмаган, ўртача катталиқда, бутун (синмаган), вазндор, зарарланмаган бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади. Уруғлик экиш олдидан илиқ сувда 1-2 соат ивитиб қўйилади.

Ер тайёрлаш. Уруғ экиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. 1 сотихга 200 кг чириган гўнг солинади. Чириган гўнг билан биргаликда 1 сотихга фосфорнинг 75, калийнинг ҳам 75 фоизи берилади. Бу кўрсаткич 1,6 кг аммофос, 1,2 кг калий хлорга тўғри келади. Тупроқ 25-30 см чуқурликда чириган гўнг ва минерал ўғитлар билан аралаштирилиб юмшатилади. Йирик кесаклар майдалангач, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари (пол) олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Эртаги муддат: жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 1-15 апрел; марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида 10-20 апрел; шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 20-30 апрел. Ўртаги муддат: жанубий минтақаларда 20 апрел-5 май; марказий минтақаларда 1-10 май; шимолий минтақаларда 1-15 май. Кечки муддат: жанубий минтақаларда 10-20 июл; марказий минтақаларда 15-30 июн; шимолий минтақаларда 1-10 июн. Марказий ва жанубий минтақалардаги тоғли ва тоғ олди ҳудудларда баҳорги экиш муддати ҳаво харорати ўсимлик учун мақбул бўлганда, паст тексликларга нисбатан 15-20 кун кечроқ экиш тавсия этилади.

Бодринг $(140+70)/2 \times 40$ см, 70×30 ва 90×20 см схемада 4-5 см чуқурликка экилади. Уруғ сарфи 1 сотихга 30-40 г.

Парваришлаш. Униб чиқиб ниҳоллар битта чинбарг даврига биринчи, 3-4 чинбарг даврига киргандан кейин эса иккинчи марта ягана қилинади. Қатор ораларини қўл кучи ёрдамида кетмон билан 15-16 см чуқурликда ўсимлик атрофи билан юмшатиб туриш, минерал озиқа ва сув бериб бориш керак. Ўсув даври мобайнида ҳар икки-уч суғоришдан кейин қатор оралари 15-16 см чуқурликда юмшатилиб борилади.

Ўғитлаш. 1 сотих ердаги бодринг соф ҳолда 5,8 кг сульфат аммоний,

2,2 кг аммофос, 1,5 кг калий хлор ўғитлари билан озиқлантирилади. Сувга талабчанлиги жиҳатдан бодринг сабзавот экинлари орасида биринчи ўринда туради. Найчалаш ва меваси етилган даврда бодринг сувни айниқса кўп талаб қилади. Вегетация мобайнида эртаги бодринг 14-15 марта, кечки бодринг сизот суви чуқур ерларда 10-11, юза жойларда эса 8-9 марта суғорилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Бодринг уруғи эрта баҳорда қуруғича экилади. Агар тупроқ яхши қизиган бўлса экишдан олдин уруғ бир сутка давомида сувда ивителиди. 1 кг уруғга (2 фоизли 34% Витавакс, 1,5% ли 60,7% Превикур) пуркаб, уруғни зарарсизлантириш тавсия этилади.

Бодринг зараркунандаларига – каналар, пашшалар, ширалар, трипслар, оққанотлар киради. Ўсимликнинг ўсув даврида 1 сотих майдонга каналарга қарши ҳосилни йиғишдан 20 кун олдин икки марта Атилла супер 10% м.к. ёки Моспилан 20% н.к.к. (2,5-3,0 г) сепилади. Антракноз, пероноспороз, аскохитоз, доғланишлар, бактериоз ва ун шудринглар касалликларга қарши Колосаль Про м.к. (20,0-30,0 г/л), Пинко 10% эм.к. (2,5 мл), Курзат Р н.к.к. (20,0-25,0 г) ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини қўллаш мумкин. 10 литр сувга таёрланган аралашма ишлатилади.

Ҳосилни йиғиштириш. Бодринг мевалари 8-10 см. бўлгандан бошлаб йиғиб-териб олишга киришилади. Йиғим-терим жараёнида бодринг новдаларига зарар етказмаслик лозим. Вақтида териб олинмаган бодринглар сарғайиб кетади.

ОҚБОШ КАРАМ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: эртапишар Фарао F₁, Назоми F₁, Парел F₁, ўртапишар Саратони, Тошкент-10, Термиз-2500, кечпишар Шарқия-2, Ўзбекистон судьяси.



Кўчат танлаш. Эрта баҳор ва ёзги муддатларда экиладиган оқбош карам кўчатлари 30-40 кунлик, барглари тўқ яшил, илдизлари дуркун ривожланган ва соғлом бўлиши лозим. Далага экиш пайтида кўчатларда 6-7 та барг бўлиши керак.

Ер тайёрлаш. Майдонлар ўтмишдош экинлар қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. 1 сотих ерга 200-250 кг чириган гўнг солинади. Тупроқ 20-25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланади, яхшилаб текисланади, суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Эртаги муддат: жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида - 10-15 феврал; марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида - 25 феврал-10 март; шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида - 15-30

март. Ўрта муддат: жанубий минтақаларда 10-15 май; марказий минтақаларда 15 апрел-1 май; шимолий минтақаларда 1-15 апрел. Кечки муддат: жанубий минтақаларда 1-15 август; марказий минтақаларда 15 июн-10 июл; шимолий минтақаларда 25 май-5 июн.

Марказий ва жанубий минтақалардаги тоғли ва тоғ олди ҳудудларда баҳорги экиш муддати ҳаво ҳарорати ўсимлик учун мақбул бўлганда, паст текисликларга нисбатан 10-15 кун кечроқ экиш тавсия этилади.

Қатор оралари 70 см, уялар ораси эртаги навлар учун 30 см, кечки навлар учун 40 см. 1 сотих майдонга эртапишар навлар 476 туп, кечпишар навлар 375 дона ўсимлик тўғри келади.

Парваришлар. Кўчат экиб бўлгандан кейин майдон кетма-кет суғорилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатларнинг оралари, кўчатларнинг атрофи юмшатилади ва биринчи ўғит берилади. Иккинчи чопиқ экин суғорилгандан сўнг ўтказилади. Оқбош карам икки марта чопиқ қилинади. Карамни озиқлантириш учун 1 сотих майдонга 6 кг аммиакли селитра, 3,5 кг аммафос ва 1,4 кг калий хлор ўғити солинади. Бўз тупроқли ерларда эртаги карамни 5-6 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 4-5 марта, кечки карамни 8-10 марта суғориш тавсия этилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Карам бити, карам куяси, карам оқ капалаги қуртларига қарши биологик усулда олтинкўз, хонқизи қўнғизлари қўлланилади. Барг кемирувчи қуртларга қарши трихограмма тухумхўри ва бракон энтомофаглари ишлатилади. Кимёвий усулда 10 литр сувга Циперметрин 25% эм.к. (16 мл), Долприд с.э.к. (10 мл) препаратларининг биронтасидан фойдаланилади. 1 сотихга 10 литр сувда тайёрланган аралашма ишлатилади.

Ҳосилни йиғиштириш. Оқбош карам оддий узун пичоқ ёрдамида 2-3 дона барги билан қирқиб олинади. Эртаги карам яхши сақланмайди, шунинг учун уни дарҳол истеъмолга чиқариш зарур. Вақтида йиғилмаган карамларнинг бошлари ёрилиб кетади.

САБЗИ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: эртапишар Мшак-195, Нурли-70, Курода, ўртапишар Мирзои сариқ-304, Мирзои қизил-228, Зийнатли, Фаровон, Нантская-4, Шантанэ-2461, Курода шантанэ, Сетко F₁, Новая Курадо.



Уруғ танлаш. Экиладиган уруғи тоза, юқори унвчан, касалликлардан ҳоли, бутун (синмаган), вазндор бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Томорқа ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. Тупроқ 20-25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Баҳорги муддат: жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 15-30 феврал; марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида 1-15 март; шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 15-30 март. Ёзги муддат: жанубий минтақаларда 1-15 август, марказий минтақаларда 10 июндан 10 июлгача; шимолий минтақаларда 10-20 июнда 1,5-2 см чуқурликка 52×8, 62×8 см схемада экилади. Марказий ва жанубий минтақалардаги тоғли ва тоғ олди ҳудудларда баҳорги экиш муддати ҳаво ҳарорати ўсимлик учун мақбул бўлганда, паст текисликларга нисбатан 10-20 кун кечроқ экиш тавсия этилади.

Уруғ сарфи 1 сотихга 30-40 г. Уруғлар сепилгандан сўнг хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришлаш. Сабзини парваришлаш жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири – бу уруғни ердан текис ундириб олишдир. Сабзи ниҳоллари тупроқ доим нам бўлганда 5-7 кунда кўринади ва 10 кунда батамом униб чиқади. Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташ ва яғаналашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ ва яғана қилиш сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади.

Суғориш. Сабзининг илдизи яхши ривожланади, тупроққа чуқур таралади, барг шапалоғи унчалик катта эмаслигидан сувни кўп буғлантирмайди, аммо тупроқнинг биров чуқур қатламидан нам тортиб олиш қобилиятига эга. Юртимиз шароитида сабзи уруғи кўкламда, ёзда кеч кузда сепилади. Айрим, яъни кўклам қурғоқчил келган йиллардагина уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида уруғ суви берилади. Дастлабки пайтларда экин ҳар бир ярим-икки ҳафтада, майнинг иккинчи ярмидан эътиборан, яъни илдизмевалар жадал суръатда катталашаётганда эса ҳар 7-8 кунда суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги сабзи ўсув даврида 8, сизот суви юза далаларда эса 5-6 марта суғорилади. Сабзи мана шу тартибда суғориб борилса, сизот суви чуқур жойлашган ерларда мавсумда 11-12, сизот суви юза ҳудудларда 6-8 марта сув ичади.

Ўғитлаш. 1 сотих майдонга соф ҳолда 1,5 кг азот, 0,8 кг фосфор, 0,5 кг калий солиш керак. Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ ерларда етиштирилганда соф ҳолда 1,2 кг азот, 0,7 кг фосфор, 0,4 кг калий бериш керак. Ўғитларни бериш муддатлари: фосфор ўғитини йиллик миқдорининг 75 фоизи билан калийнинг ҳаммаси шудгорлашда, фосфорнинг қолган қисмини бороналаб, эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг вегетация мобайнида иккига бўлиб берилади.

Бегона ўтларга қарши курашиш. Кўп йиллик бегона ўтларга қарши кузда 1 сотихга Зеллек супер 104 г/л эм.к. препарати 10 мл ҳисобида далалардаги бегона ўтларнинг 2-6 баргли фаол ўсув даврида пуркалади. Бир

йиллик ўтларга қарши экишдан олдин 50 фоизли Гезагард препаратини 20,0-30,0 г, бегона ўтлар уруғи ердан унгунга қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда 33 фоизли Стомп 10,0-20,0 мл ёки 12,5 фоизли Фюзилад Супер препаратининг 10,0-20,0 гни 10 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади. Кимёвий препаратлар мутахассислар назоратида қўлланилади.

Сабзи илдизмевасининг диаметри 1,5-2 см бўлганда ковлаб олинади. Такрорий экилган сабзи ҳосили қаттиқ совуқ тушмасдан йиғиштириб олинади, акс ҳолда мевалар мазасини йўқотади ва узоқ сақланмайди.

ОШ ЛАВЛАГИ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: маҳаллий Диёр, Ягона навлари ва чет элнинг Бордо-237, Бикорес, Боро F₁, Пабло F₁, Скарлет F₁, Кардеал F₁, дурагайлари.



Уруғ танлаш. Экиладиган уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун (синмаган), вазндор бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади

Ер тайёрлаш. Уруғ сепиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. 1 сотих ерга 150-200 кг чириган гўнг солинади. Тупроқ 20-25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланади ва яхшилаб текисланиб, суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Ош лавлаги уруғи жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида: баҳори муддат 15 феврал-1 март, ёзги муддат 1-10 август, тўқсонбости муддат 1-30 декабр. марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида: баҳори муддат 1-15 март, ёзги муддат 5-15 июл, тўқсонбости муддат 15 ноябр-15 декабр. Шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида: баҳори муддат 25 март-10 апрел, ёзги муддат 1-10 июнда экилди. Марказий ва жанубий минтақалардаги тоғли ва тоғ олди ҳудудларда баҳорги экиш муддати ҳаво харорати ўсимлик учун мақбул бўлганда, паст текисликларга нисбатан 10-20 кун кечроқ экиш тавсия этилади.

Уруғ сарфи баҳорги ва ёзги муддатларда 100-120 г, тўқсонбости муддатда 140-160 г. Экиш схемаси (70+20)×8 см (70 см– марзалар, 20 см– марза устидаги қаторлар кенглиги).

Парваришлаш. Ош лавлаги 2-3 марта чопиқ ва ўтоқ қилинади, ўғитлашда 1,5-2,0 т чириган гўнг, 1,5-2,0 кг азот, 1,0-1,5 кг фосфор, 0,8-1,0 кг калий солинади. Суғориш экиш муддати, тупроқнинг механик таркиби, сизот сувининг жойлашиш чуқурлигига қараб 8-12 марта ўтказилади. Лавлаги уруғлари 4-5°C да униб чиқа бошлайди, ўсиб-ривожланиши учун

энг қулай ҳарорат 20-25°C. Лавлаги совуқ (-2-3°C) ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли. Тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Ширалар ҳамда лавлаги узунбурун зараркунандаларига қарши курашишда ерларни кеч кузда чуқур қилиб ҳайдаш, 1 сотихга Каратэ 5% эм.к. (20 мл), Маспиан % н.кук. (15-25 мл), Перфекто 17,5% сус.к. (2-3 мл) препаратларининг биронтасини 10 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йиғиштириш. Ош лавлаги илдизмевасининг диаметри 3-3,5 см бўлганда ковлаб олинади. Такрорий экилган ош лавлаги ҳосили қаттиқ совуқ тушмасдан йиғиштириб олинади, акс ҳолда мевалар мазасини йўқотади ва узоқ сақланмайди.

Шолғом, редиска, турп, сабзи, қўкатлар, бодринг, помидор, бақлажон, қалампир, ош лавлаги, пиёз экинларининг майда уруғларини сувда намлаб, қул, қум ёки қуруқ гўнг билан аралаштиринг, яъни гўлакланг. Гўлакланган уруғлар яхши сочилади, тупроқ юзасига бир текис тушади, сарфи эса камаяди.

ШОЛҒОМ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Наманган маҳаллийси, Самарқанд маҳаллийси, Муяссар, Гулшод.

Уруғ танлаш. Экиладиган шолғом уруғи тоза, юқори унувчан, касаллик юқмаган, ўртача катталиқда, бутун (синмаган), вазндор текис (зарарланмаган) бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.



Ер тайёрлаш. Уруғ экиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. 1 сотих ерга 200 кг чириган гўнг солинади. Тупроқ 20-25 см чуқурликда чириган гўнг ва минерал ўғитлар билан аралаштирилиб юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Шолғом асосан ёзда экилади. Шолғом уруғи 1-15 августда сепилади.

Шу билан бирга эрта ҳосил олиш учун шолғом уруғини феврал ойининг охирларида сочма ҳамда қатор (лента) қилиб экиш мумкин. Ҳар икки усулда ҳам эгат ораси 70 см олинади. Уруғ қўлда сепилади. Ҳар 1 сотих ерга 25-30 г шолғом уруғи сарфланиб, 1,5 см чуқурликка экилади. Тупроқ хаскаш билан тирмаланади.

Парваришлаш. Ниҳоллар униб чиққандан сўнг тезда ўташ ва яганалаш керак. Биринчи ягана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2-3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10-12 см кенгликда қолдирилади. Қатор ораларини ўсимлик атрофи билан қўл кучи ёрдамида

кетмон билан 15-16 см чуқурликда юмшатиб туриш, маъданли озиқ ва сув бериб бориш керак. Ўсув даври мобайнида ҳар икки-уч суғоришдан кейин қатор оралари юмшатилиб борилади.

Ўғитлаш. Шолғом майдони бегона ўтлардан тозаланиб, ягана қилингандан сўнг ўғитланади. Бунда 1 сотихга соф ҳолда сульфат аммоний–2 кг, аммофос–1,5 кг, калий хлор–0,5 кг меъёрда солинади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Зараркунандалардан узунбурун, шира, барг бургалари, касалликлардан уншудринг ва оқ чириш кўп кузатилади. Зараркунандаларга қарши 1 сотих майдонга Моспиан 20% н.кук. 2,5-3,0 г меъёрда қўлланилади. Касалликларга қарши - Превикур 72,2% с.э.к.15,0 мл, Курзат Р н.кук. 20,0-25,0 г, Рирдомил голд 68% с.д.г. 20,0-25,0 г ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини 10 литр сувга тайёрланган аралашмасини пуркаш яхши самара беради. Бу кимёвий препаратларни мутахассислар назоратида қўллаш тавсия этилади.

Ҳосилни йиғиштириш. Экин совуққа чидамли бўлсада, илдизмевани тупроқ музлаб қолмасдан олдин йиғиб олиш керак. Ўртача катталиқдаги шолғомнинг сифати юқори бўлади. Бироқ, ҳосил илдизмевалар диаметри 7-10 см бўлганда ҳам йиғиб олиниши мумкин.

ТУРП

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Андижон-9, Марғилон маҳаллийси, Мурод, дайкон ёки япон турпининг Содиқ ва Куз ҳадяси навлари.

Уруғ танлаш. Экиладиган турп уруғи тоза, юқори унувчан, касаллик юқмаган, ўртача катталиқда, бутун (синмаган), зарарланмаган бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.



Ер тайёрлаш. Дала ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 200 кг чириган гўнг солинади. Тупроқ 20-25 см чуқурликда чириган гўнг ва минерал ўғитлар билан аралаштирилиб юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари (пол) олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Турп асосан ёзда экилади. Турп уруғини 1-15 августда сочма ҳамда қатор (лента) қилиб экиш мумкин. Ҳар икки усулда ҳам эгат ораси 70 см олинади. Уруғ қўлда сепилади. Ҳар 1 сотихга 30-40 г турп уруғи сарфланиб 1,5 см чуқурликка экилади. Тупроқ хаскаш билан тирмаланади.

Парваришлаш. Ниҳоллар униб чиққандан сўнг тезда ўташ ва яганалаш керак. Биринчи ягана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2-3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10-12 см кенгликда қолдирилади. Қатор оралари ва ўсимлик атрофини кетмон билан 15-16 см

чуқурликда юмшатиб туриш, минерал озиқа ва сув бериб бориш керак. Вегетация мобайнида ҳар икки-уч суғоришдан кейин қатор оралари юмшатилиб турилади.

Ўғитлаш. Турп майдони бегона ўтлардан тозаланиб, ягана қилингандан сўнг ўғитланади. Бунда 1 сотихга соф ҳолда сульфат аммоний – 2 кг, аммофос–1,5 кг, калий хлор–0,5 кг меъёрда солинади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Турпга зараркунандалардан–узунбурун, шира, барг бургалари, касалликлардан–ун-шудринг ва оқ чириш катта зарар етказади. Зараркунандаларига қарши 1 сотихга Моспилан 20% н.кук. 2,5-3,0 г меъёрда қўлланилади.

Касалликларга қарши – Курзат Р н.кук. 20,0-25,0 г пуркаш яхши самара беради. Бу кимёвий препаратларни мутахассислар назоратида қўллаш тавсия этилади.

Ҳосилни йиғиштириш. Экин совуққа чидамли бўлсада, илдизмеваси тупроқ музлаб қолмасдан олдин йиғиб олиниши керак. Ўртача 10-15 см катталиқдаги турп мевасининг сифати юқори бўлади. Бироқ, ҳосил илдизмевалар диаметри 5-10 см бўлганда ҳам йиғиб олиниши мумкин.

РЕДИСКА

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Рубин, Дунган, Россела F₁, Селеста F₁, Лола, Майский, Эртапишар ва ҳ.к.

Уруғ танлаш. Экиладиган уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун (синмаган), вазндор, бўлиши зарур. Уруғларбошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.



Ер тайёрлаш. Органик моддаларга бой ўтлоқи тупроқлар, ўғитланган қумоқ, енгил соз бўз тупроқли ерларда яхши ўсади.

Экиш муддати. Редиска қисқа кунли сояга чидамли ўсимлик, ёруғлик етишмаса ҳам ўсаверади. У ўғитланган унумдор ерларга эрта баҳорда феврал охири-март бошларида, кўпинча бир неча муддатда ёки кузда –сентябрь ойида экилади. Уруғ сепилгандан кейин хаскаш билан тупроққа аралаштирилади. Редиска ёзда экилмайди, чунки у ёз ойларида тез пишиб ўтиб кетади ва таъмини йўқотади. Уруғи экилиб, ниҳоллар пайдо бўлгандан жуда тезпишар навлари 25-30, ўртапишарлари 35-40 ва ўртачи кечки навларининг илдизмевалари 40-45 кунда етилади. Редиска уруғининг униб чиқиши, ўсиб-ривожланиши учун энг қулай ҳарорат ўртача 15-18°C ҳисобланади. Лекин редиска паст ҳароратда (8-12°C) ҳам ўсади ва -3-4°C совуққа бардош беради. Ҳарорат 25-30°C ва ундан ҳам юқори бўлганда редис ёғочлашиб, таъмини ва сифатини йўқотади.

Парваришлаш. Ўсимлик 1-2тадан чинбарг чиқарганда яганаланади ва бир йўла ўтоқ қилинади. Қатордаги ўсимликлар ораси тезпишар навлар учун 3-4 см, кечпишарларига эса 5-6 смда бир тупдан қолдирилади.

Баҳордаги ёғингарчиликка қараб редиска 2-4 марта суғорилади, қатор оралари культивация қилинади, бегона ўтлар йўқотилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Редиска касалликларга анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

Ҳосилни йиғиштириш. Редиска ҳосили илдизмевалари етилишига қараб 3-4 марта танлаб териб олинади.

САЛАТ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Крупнокачанний ва Кўк-шоҳ.

Уруғ танлаш. Экиладиган салат уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.



Ер тайёрлаш. Уруғ сепиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. 1 сотих ерга 150-200 кг чириган гўнг солинади. Тупроқ 20-25 см чуқурликда юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Баргли ва бош ўрайдиган салатлар уруғи очик далага эрта баҳорда–февраль охири-март ойининг бошида ва кузда – сентябрнинг иккинчи ярми – октябрда полларга ёки лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб экилади. Ленталар ораси 45-60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см бўлади. Бир сотихга баргли салат уруғи 40-50 г, бошли салатники 30-40 г меъёрда сепилади. Сепилгандан уруғлар хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришлаш. Ниҳоллар униб чиққандан 10-12 кун ўтгач 1-март, 2-3 ҳафта ўтгач 2-март ягана қилинади. Бунда барг салат тупларининг орасида 8-10 см, бошли салатда эса 12-15 см масофа қолдирилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Салат касалликларига анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

Ҳосилни йиғиштириш. Салатнинг ҳосили 45-50 кундан кейин уларнинг етилишига қараб эрта тонгда, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин бирин-кетин узиб олинади.

ПЕТРУШКА

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Нилуфар, Сахарная, Новас.

Уруғ танлаш. Экиладиган петрушка уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун (синмаган), вазндор бўлиши зарур. Уруғларбошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.



Ер тайёрлаш. Ер ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан

тозаланади. 1 сотихга 150-200 кг чириган гўнг солинади.

Петрушка қисқа муддатда етилишини инobatга олиб гўнг солиш билан бирга 1 сотих майдонга 1 кг азотли, 1 кг фосфорли, 0,5 кг калийли ўғит солиш зарур. Ер 20-25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари (пол) олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Эрtaги ҳосил олиш учун петрушка уруғлари кузда ёки эрта баҳорда экилади. Уруғлар эрта баҳорда 15 февралдан 10 мартгача сепилади. Кузда сентябрнинг иккинчи ярми-октябрда очиқ далага лентасимон усулда 2-3 қатор қилиб ёки сочма усулда экилади. Уруғ сарфи 1 сотихга 30 г. Уруғлар сепилгандан кейин хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришлаш. Майсалар униб чиққандан 10-12 кун ўтгач 1-март, 2-3 ҳафта ўтгач 2-март ягана қилинади. Бунда ўсимликлар ораси 3-5 см бўлиши лозим. Ўсимликни парваришлашга – ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари киради.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Петрушка касалликларга анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

Ҳосилни йиғиштириш. Бўйи 15-20 см га етган петрушка ўсимлиги эрта тонгда–кун нисбатан салқинлигида ўриб олинади.

УКРОП

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Ўзбекистон-243, Ором, Алигатор.

Уруғ танлаш. Экиладиган укроп уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.



Ер тайёрлаш. Уруғ сепиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади.

Ўсимлик қисқа муддатда етилишини инobatга олиб, уруғ сепишдан олдин 1 сотих майдонга 1 кг азотли, 1 кг фосфорли, 0,5кг калий ўғитини солиш талаб этилади. Ер 20-25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари (пол) олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Укроп уруғи кеч кузда(ноябрь), эрта баҳорда (март)ва август бошларида полларга қалин қилиб сепилади. Бир сотихга 100-120 г уруғ сарфланади. Тузлашга ишлатиш учун улар сийракроқ сепилади ва 1 сотихга 50-60 г уруғ сарфланади. Уруғлар лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб ёки сочма усулда сепилади. Уруғлар сепилгандан кейин хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришлаш. Укроп уруғи секин униб чиқади (экилгандан кейин 10-15 кунда кўкара бошлайди). Укроп ўтоқ қилиш, қаторлар орасини

юмшатиш ва бостириб суғориш йўли билан парвариш қилинади. Баҳорда экилган укроп 2 марта, ёзда экилганлари эса 3-4 марта суғорилади. Кўп суғориб юборилса ўсимликнинг пастки барглари сарғая бошлайди.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Укроп касалликларга анча чидамли салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

Ҳосилни йиғиштириш. Кўклигида фойдаланиш учун бўйи 10-15 см га етганда ўткир ўроқ билан ўриб олинади.

КАШНИЧ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Орзу ва Янтарь.

Уруғ танлаш. Экиладиган кашнич уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.



Ер тайёрлаш. Дала ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. Ўсимлик қисқа муддатда етилишини инobatга олиб ер тайёрлашдан олдин 1 сотих майдонга 1 кг азотли, 1 кг фосфорли, 0,5кг калийли ўғит солиш талаб этилади. Ер 20-25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланади, яхшилаб текисланади, суғориш эгатлари (пол) олинади.

Экиш муддати ва схемаси. Эртаги кашнич уруғи 10-15 февралда, ўртагиси 15 апрелда, ёзгиси 15 июнда, кейингилари 15 августда, 15 октябрда ва тўқсонбости қилиб 25 ноябрдан 10 декабргача поларга қалин қилиб сепилади. Бир сотихга 100-120 г уруғ сарфланади. Уруғлар лентасимон усулда 2-3 қатор қилиб ёки сочма усулда сепилади. Уруғ сепилгандан кейин хаскаш билан тупроққа аралаштирилиб устидан майда чириган гўнг сепилади.

Парваришлаш. Нам етарли бўлса уруғи 5-10 кунда униб чиқади. Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бироз яганалаш ва 3-4 кунда суғоришдан иборат.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Кашнич касалликларга анча чидамли, салқинсевар ўсимлик ҳисобланади.

Ҳосилни йиғиштириш. Кашнич ердан униб чиққан кундан бошлаб 40-50 кунда истеъмолбop бўлади. Аҳоли кашнични янги узилган барра ҳолида ва қуритиб қишда ҳам ишлатади. Бу кўкат йил бўйи истеъмол қилинади. Унинг барра баргларини 2-3 марта ўриб олиш мумкин. Бунда 1-1,5 см танаси қолдирилади, тегишли шарoит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади. Вақтида ўриб олинмаса, уруғпоя ҳосил қилиб, истеъмолга ярамай қолади.

ПИЁЗ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Маҳаллий навлардан эртапишар Равнақ, Бахорой, Сумбула, Оқ дур, ўртапишар Қизил шахзода, Малла, Истиқбол, Зафар, Хамал, чет элнинг Банко F₁, Сибир F₁, Дайтона F₁, Манас F₁ ва бошқалар.



Уруғ танлаш. Экиладиган уруғи тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун, вазндор бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Уруғ сепиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. Тупроқ 20-25 см чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдалангач, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати. Пиёз баҳорги муддатда: жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида - 5-20 феврал; марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида 20 феврал-10 март; шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 5-15 март. Ёзги-кузги муддатда: шимолий минтақаларда 15 август-1 сентябр, бошқа минтақаларда 15 август-10 сентябр экилади. Тўқсонбости муддатда: жанубий, марказий минтақаларда 15 ноябр - 15 декабр; шимолий минтақаларда 1-15 ноябр.

Пиёз уруғи 1 сотих майдонга баҳорги муддатда 1,0-1,2 кг, ёзги-кузги ва тўқсонбости муддатда 1,4-1,6 кг гача сарфланади. Ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см дан олиб тўрт қаторли усулда экилади. Уруғлар ерга 1,5-2 см чуқурликка кўмилади. Уруғлар сепилгандан кейин хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришлаш. Пиёзни баҳорда экиш учун жўяклар кузда олиб қўйилади. Ёзги-кузги ва тўқсонбости муддатларда пиёз ўртаги, ёзги сабзавот, картошка ҳамда ғалладан кейин экилади. Пиёз дастлаб ўсимликлар 1-2 барг чиқарганда, иккинчи марта 3-4 барг чиқарганда ягана қилинади. Пиёз 2-3 марта бегона ўтлардан тозаланади. Қатор оралари 15-16 см чуқурликда юмшатилиб бегона ўтлар йўқотилади.

Ўғитлаш. Пиёз патак илдизли сабзавот бўлиб, илдиз тизими асосан тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озик элементларни кўп бўлишини талаб қилади. Бўз тупроқларда ҳар 1 сотихга ўртача 3,0 кг азот, 2,2 кг фосфор ва 0,9 кг калий бериш керак. Ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда эса 2,5 кг азот, 2,0 кг фосфор ва 0,8 кг калий беришни тақозо этади. Шўрланган, тупроқ бонитети паст бўлган ўтлоқи тақир, тақир тупроқларда пиёз етиштирилганда 3,2 кг азот, 2,2 кг фосфор ва 1,0 кг калий бериш керак.

Суғориш. Ниҳоллар униб чиқаётган ва пиёз боши шаклланаётган даврда экиннинг сувга талаби айниқса ошади. Фақат вегетация даврининг

охирида ва пиёз бошлари етилган пайтдагина ўсимликнинг сувга бўлган талаби бир оз камаяди. Сизот суви чуқур жойлашган бўзтупроқли ерларда кўкламнинг охири ёзнинг бошларида пиёз ҳар 7-10 кунда суғорилади. Пиёзбошининг ўсиши тўхтагандан кейин экин 12-14 кун оралатиб икки марта суғорилади ва йиғиб-териб олишга бир ой қолганда суғориш тўхтатилади. Сизот суви яқин бўлган жойларда пиёзни вегетация даврида 7-9 марта суғориш керак.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Пиёз пашшаси, тамаки трипси, кузги тунлам ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда 1 сотих майдонга препаратлардан Каратэ 5% эм.к. (3,0-4,0 мл), Моспилан 25% н.кук.(2,5-3,0 мл), касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, сарғайиш, бўғин чириш касалликларига қарши 1 фоизли Бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60-80 г) билан ишлов берилади, 10-15 кунда қайта ишлов берилади. Рирдомил голд 68% с.д.г. 20,0-25,0 г ёки Курзат Р н.кук. (20,0-25,0 г) препаратларини 10 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йиғиштириш. Пиёз поялари ётиб қолганда пиёз бошлари етилган деб ҳисобланади. Пиёз бошлари ковлаб ёки пояси билан бирга суғуриб олинади.

САРИМСОҚ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар. Майский Вир, Южно фиолетовый, Жануб, Сурхон воҳаси.

Уруғ танлаш. Экиладиган пиёзбошчалари юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, синмаган, вазндор бўлиши зарур. Саримсоқ совуққа чидамли ўсимлик. У 3-5°C ҳароратда униб чиқади. -7-8°C гача бўлган совуққа чидайди.



Ер тайёрлаш. Дастлаб майдон ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотихга 150-200 кг чириган гўнг солинади. Ер 20-25 см чуқурликда юмшатилиб, йирик кесаклар майдалангач, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Уруғ экиш муддати. Саримсоқ кузда – сентябр-октябр ойларида экилади. Бундан кечиктириб экилса, кузда яхши илдиз олишга улгурмайди, оқибатда қишки паст ҳароратдан ва турли касалликлардан зарарланади. Саримсоқ экилгандан кейин чириган гўнг билан мульча қилинади ва суғорилади.

Парваришлаш. Тупроқ турига қараб саримсоқ экилган ерга 1 сотихга соф ҳолда 1,0-1,5 кг азот, 1,0-1,2 кг фосфор ва 0,5 кг калий ўғити солинади. Саримсоқ экиладиган ерга янги гўнг солиш ярамайди, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечиктиради ва у яхши сақланмайди.

Саримсоқ паллалари йирик-майдалилига қараб 1 сотих ерга 10,0-15,0

кг ҳисобидан экилади. Саримсоқ паллалари йирик ва экиш меъёри ортиши билан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. 2-3 қатор қилиб экилганда ленталар ораси 40-60 см, ленталардаги қаторлар ораси 10-15 см, қатордаги ўсимликлар ораси 6-8 см бўлади ва чуқурлиги 3-4 см қилинади.

Саримсоқ кузда, совуқ тушгунча 1-2 марта суғорилади, баҳор-ёзда ўсимликларни 5-6 марта суғориш, қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш, чопиқ қилиш, гулпояларини синдириб ташлаш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш ва чиринди билан мўльчалаш ҳосилдорликни анча оширади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Пиёз пашшаси, тамаки трипси, кузги тунлам каби зараркунандаларга қарши курашда 1 сотих майдонга Каратэ 5% эм.к. (4,0 мл), Моспиан 20% н. кук. (2,5-3,0 мл) препаратлари қўлланилади.

Касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, мозаика, сарғайиш, бўғин чириш касалликларига қарши уруғларни қиздириш, касалланган ўсимликларни йўқотиш, касалликларига қарши 1 фоизли Бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60-80 г), Рирдомил голд 68% с.д.г. 20,0-25,0 г ёки Курзат Р н.кук. (20,0-25,0 г) препаратларидан бирортасини 10,0 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йиғиштириш. Саримсоқ ҳосилини июн ойида йиғиштириб олиш керак, акс ҳолда унинг паллалари бир биридан ажралиб кетади, ҳосил нобуд бўлади, товарбоплиги ҳамда сақлашга яроқлилиги пасаяди. Ҳосил белкурак билан ердан кўтарилиб, қўл билан териб олинади, кейин қуритилади. Барги ва гулпояси бўғинидан 3-5 см қолдирилиб кесиб ташланади, пиёзлари майда-йириклигига қараб сараланади.

САБЗАВОТ (ШИРИН) МАККАЖЎХОРИ

Бу ҳозирги кунда дунё аҳолиси севиб истеъмол қиладиган сабзавотларидан бўлиб, республикамизда ширин маккажўхори катта қизиқиш уйғотмоқда. Сабзавот экинларига нисбатан қурғоқчиликка чидамли, тезпишар, асосий ва такрорий экин сифатида ўстиришга мос.

Экишга тавсия этиладиган навлар. Шерзод, Мазза, Эврика, Замон, Замин, Янги ҳаёт, Мегатон F₁, Голд F₁, Бонус F₁, Сентинел F₁.



Уруғ танлаш. Экиладиган уруғ тоза, юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун, механик шикастланмаган, донатор, бошқа уруғ ва аралашмалардан тоза бўлиши зарур. Унувчанлиги 95%дан кам бўлмаслиги, уруғдорилагичлар (Раксил, Витовакс кабилар) билан ишланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ўтмишдошларни танлаш. Сабзавот маккажўхори учун ғўза, картошка, сабзавот, полиз ва дон экинлари яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Ер тайёрлаш. Дала участкаси ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. Тупроқ кузда 25-27см чуқурликда ҳайдалади. Эрта баҳор йирик кесаклар майдаланиб, юза ишланиб, яхшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Ўғитлаш. 1 сотих майдонга 200 кг гўнг, 3,0-3,5 кг карбамид ёки 5,0-5,5 кг аммоний селитра, 2,5-3,0 кг аммафос, 0,8-1,0 кг калий хлорид берилади.

Экиш муддати, схемаси ва уруғ сарфи. Тупроқ 10 см қатлами 10-12 C° қизиганда марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида 1-10 апрелда, жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 20-30 мартда, шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 20-30 апрелда 5-6 см чуқурликда экиш қулай ҳисобланади. Экиш учун қатор ораси 70 ва 90 см, ўсимлик орасини 20-25 см қилиб, 55-70 минг туп қалинлик мақбул ҳисобланади. Уруғ сарфи 1 сотихга 2,0-2,5 кг.

Парваришлаш. Уруғлар экилгандан кейин униб чиқиши учун ерда намлик етишмаса, уруғ суви берилади. Баҳорда уруғлар экилгач, ёғингарчилик кўп бўлиб, қатқалоқ бўлса, юзаки ишлов бериш ўтказилади. Ўсимлик 3-4 барг ҳосил қилганда, комплекс ишлов, яъни тупроқни юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш, чопиқ қилинади. Маккажўхори 5-6 та барглар ҳосил қилганда эгатлар олиш билан бирга 1,5-1,8 кг карбамид ёки 2,5-3,0 кг аммиакли селитра солиниб, биринчи суғориш ўтказилади. Пояда 8-10 та барг шаклланганда 2-комплекс ишлов берилиб, 10-12 та барг ҳосил бўлганда иккинчи озиклантириш ўтказилади ва суғорилади. Тупроқдаги намлик 75-80% да ушлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, ҳар 10-12 кунда 3-4 мартагача суғориб турилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Сабзавот маккажўхорига ҳам одатдаги дон маккажўхоридек кузги тунлам, маккажўхори парвонаси катта зарар етказди. Унга қарши биологик усулда габрабракон кечки салқинда учиради. Кимёвий усулда эса инсектицидлар (Алтакор, Децис кабилар) мутахассислар билан маслаҳатлашиб қўлланилади.

Ҳосилни йиғиш. Сабзавот маккажўхори сўтаси сут-мум пишиш даврида йиғиштириб олиниб, истеъмолчиларга топширилади. Уруғга ўстирилганда эса 70-75% сўталар тўла пишиб, қолган қисми мум пишганда йиғиштирилади.

ҚОВУН

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: эртапишар – Хандалак, Роҳат, Офтоб, Зархал, ўртапишар – Оқ уруқ, Суюнчи-2, Олтин водий, Лаззатли, Олтинтепа, Кичкинтой, Оби новвот, Гурвак, Бўри калла, Кўк тинни,



кечпишар – Умир воқи, Гурлан, Амударё, Гулоби Хоразмий, Зар гулоби, Саховат ва бошқалар.

Уруғ танлаш. Экиладиган қовун уруғи тоза, юқори унувчан, касаллик юқмаган, ўртача катталиқда, бутун бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Ер кузда 35 см чуқурликкача шудгор қилинади. Ерни шудгорлашдан олдидан маъдан ва органик ўғитлар берилади. Баҳорда тупроқда намни сақлаб қолиш учун ерга узун тишли хаскаш ёрдамида ишлов берилади. Қовун эрта муддатларда экилганда ерни баҳорда қайта шудгорлашнинг ҳожати йўқ. Экинлар кечки муддатларда экилганда ерни қайта шудгорлаш зарур. Бунда тупроқни ағдармасдан туриб, 22 см чуқурликда юмшатиб чиқиш тавсия этилади.

Экиш муддати ва схемаси. Эртапишар навлар: марказий вилоятларида 15 апрелгача; жанубий вилоятларда 10 апрелгача; шимолий вилоятларда 20 апрелгача. Ўртапишар навлар: марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида 10 апрелдан 10 майгача; жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 10-20 апрелда; шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 25 апрелдан 10 майгача. Кечпишар навлар: марказий минтақаларида 15 майдан 10 июнгача; жанубий минтақаларида - 10-20 июн; шимолий минтақаларида 20-30 майда экилади. Қатор оралари 210-280 см бўлган эгат олинади. Бундай эгатлар полиз экинлари палакларининг яхши таралишига имкон беради. Уруғлар 3-6 см чуқурликка экилади. Майда уруғли қовун экиш учун 1 сотихга 30-40 г, йирик уруғлиларини экиш учун 40-50 г уруғ сарфланади.

Парваришлаш. Қовун уруғи нам тупроққа экилса ниҳоллар униб чиққунча суғориш талаб этилмайди. Қовунни асосий парваришлаш ишлари ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиқлантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда, иккинчиси 3-4 чин барг вақтида ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан экин қатор ораларини юмшатишга киришилади.

Ниҳоллар униб чиққандан 20-25 кун ўтгач, яъни уларда иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, дастлабки озиқлантирилиб сув берилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Ўсув даврида қатор оралари 4-5 марта чопиқ қилинади.

Ўғитлаш. Қовун учун 1 сотихга соф ҳолда 1,5 кг азотли, 1,5 кг фосфорли ва 1,0 кг калийли, органик ўғитлардан 300-400 кг солинади. Бўз тупроқли ерларда ўсув даврида экинни ҳар гал 1 сотихга 4-5 м³ ҳисобидан 6-8 марта суғориш кифоя. Сизот суви юза жойлашган далаларда эса бўз

тупроқли ерларга қараганда камроқ (4-5 марта) суғорилади. Ўсув даврида полиз экинларини сув билан бир текис таъминлаш ҳосилдорликни ошириш гаровидир.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Уруғларни экишдан олдин 1-кг уруққа Максим-4мл, 31,2% Селес Топ-6мл, билан намлаб экиш тавсия этилади. Касалликлардан зарарсизлантириш мақсадида уруғлар экишдан олдин бирорта микроэлементларга солиб бўктириб қўйилади. Улар: мис, рух ва марганец (0,05%), темир ва бор (0,025%). Ивитиш суюқлик ҳарорати 20-22°C бўлганда 12 соат давом этади.

Зараркунандалари – полиз бити (шираси), ўргимчаккана, оққанот, кузги тунлам, полиз қўнғизи, қовун пашшаси ва бошқалар.

Кураш усуллари: агротехник усулда экинларни алмашлаб экишга риоя қилиш, ерларни чуқур ҳайдаш, яхоб суви бериш.

Биологик усулда полиз битига ва ўргимчак канага қарши олтинкўз кушандасини, оққанотга қарши энкарзия паразитини қўллаш тавсия этилади.

Кимёвий усулда 1 сотихга оққанот, шираларга қарши Моспилан 20% (2,5-3,0 мл), Циперметрин 25% (3,0 мл) ва бошқа препаратлар қўлланилади. Қовун майса пашшаси ва қовун пашшасига қарши Атилла 5% эм.к.(20,0 мл), Суми-Алфа 5% эм.к.(30,0 г) препаратлари қўлланилади.

Касалликлари - илдиз чириш, фузариоз сўлиш, ун шудринг, оддий бодринг мозаикасига қарши экинларни алмашлаб экишга риоя қилиш, ўсимлик қолдиқларини йўқотиш, фунгицидлардан Рирдомил голд 68% с.д.г. (20,0-25,0 г), Курзат Р н.кук. (20,0-25,0г), препаратларини 10 литр сувга аралаштириб пуркаш тавсия этилади.

Ҳосилни йиғиштириш. Қовун ҳосили пишиб етилганларини танлаб-танлаб олиш йўли билан уч-беш марта йиғиб олинади. Кечки муддатда экилган навлар ҳосили эса бир марта йиғиштириб олинади. Пишган қовунлар полизда узоқ муддат турса нобуд бўлади.

ТАРВУЗ

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: эртапишар - Ўринбой, Манзур, Чиллаки F₁, Долби F₁, Крисби F₁, Кримстар F₁, Кримсон Свит, ўртапишар – Ширин, Сурхон тонги, Дилноз, Шарқ неъмат, Гризман F₁, Продюссер F₁, кечпишар - Ҳайит қора, Қўзибой, Гулистон.



Уруғ танлаш. Экиладиган тарвуз уруғи тоза, юқори унувчан, касаллик юқмаган, ўртача катталиқда, бутун бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Полизчиликда ерни экишга тайёрлаш кейинги барча технологик чора-тадбирларни яхши наф беришини таъминловчи муҳим омилдир. Кузда ер 35-40 см чуқурликкача шудгор қилинади. Ерни шудгорлаш олдидан минерал ва органик ўғитлар берилади. Баҳорда

тупроқда намни сақлаб қолиш учун ерга узун тишли хаскаш ёрдамида ишлов берилади. Тарвуз эрта муддатларда экилганда ерни баҳорда қайта шудгорлашнинг ҳожати йўқ. Экинлар кечки муддатларда экилганда ерни қайта шудгорлаш зарур. Бунда тупроқни ағдармасдан туриб 22 см чуқурликда юмшатиб чиқилади.

Экиш муддати ва схемаси. Эртапишар навлар: марказий вилоятларида 15 апрелгача; жанубий минтақалар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 10 апрелгача; шимолий минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 20 апрелгача. Ўртапишар навлар: марказий минтақалар – Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида 20 апрелдан 10 майгача. Кечпишар навлар: марказий минтақаларда 15 майдан 10 июнгача; жанубий минтақаларда - 10-20 июн; шимолий минтақаларда 20-30 майда экилади.

Қатор оралари 210-280 см бўлган кенг эгат олинади. Бундай эгатлар полиз экинлари палакларини яхши таралишига имкон беради. Уруғлар 3-6 см чуқурликка экилади. Майда уруғли тарвузларни экиш учун 1 сотихга 10-20 г, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 40-50 г уруғ сарфланади.

Парваришлаш. Агар уруғ нам тупроққа экилса ниҳоллар униб чиққунча суғориш талаб этилмайди. Тарвуз экинни асосий парваришлаш ишлари ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиклантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади. Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда, иккинчиси 3-4 чин барг вақтида ўтказилади.

Ниҳоллар ялпи униб чиққандан кейин қатор ораларини юмшатишга киришилади. Ниҳоллар униб чиққандан 20-25 кун ўтказиб, яъни уларда иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, дастлабки сув берилади, озиклантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Вегетация мобайнида қатор оралари 4-5 марта чопиқ қилинади.

Ўғитлаш. Тарвуз учун 1 сотихга соф ҳолда 1,5 кг азотли, 1,5 кг фосфорли ва 1,0 кг калийли, органик ўғитлардан 300-400 кг солинади. Бўз тупроқли ерларда ўсув даврида экинни ҳар гал 1 сотихга 4-5 м³ ҳисобидан 6-8 марта суғориш кифоя. Сизот суви юза жойлашган далаларда эса бўз тупроқли ерларга қараганда камроқ (4-5 марта) суғорилади. Ўсув даврида полиз экинларини сув билан бир текис таъминлаш ҳосилдорликни ошириш гаровидир.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Уруғни экишга тайёрлаш олдидан бир сутка давомида сувда ивителиди. Экинга касалликлардан илдиз чириш, фузариоз сўлиш, зараркунандалардан полиз бити (шираси), ўргимчаккана, оққанот катта зарар етказади.

Зараркунандаларга қарши 1 сотих майдонга Моспиан 20% н. кук.

(2,5-3,0г) ва касалликларга қарши Рирдомил голд 68% с.д.г. (20,0-25,0 г), Курзат Р н.кук. (20,0-25,0 г) ёки 1 фоизли Бордо суюқлигини қўллаш мумкин. 10 литр сувга тайёрланган аралашма пуркалади. Бу кимёвий препаратларни мутахассислар назоратида қўллаш зарур.

Ҳосилни йиғиштириш. Пишиб етилган тарвузларни танлаб-танлаб олиш йўли билан уч-тўрт марта йиғиб олинади. Кечки муддатда экилган навлар ҳосили эса бир марта йиғиштириб олинади. Пишган тарвузлар полизда узоқ муддат турса нобуд бўлади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
ҚОВОҚ.....	6
ПОМИДОР.....	8
ШИРИН ҚАЛАМПИР.....	10
АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР.....	12
БАҚЛАЖОН.....	13
БОДРИНГ.....	15
ОҚБОШ КАРАМ.....	16
САБЗИ.....	17
ОШ ЛАВЛАГИ.....	19
ШОЛҒОМ.....	20
ТУРП.....	21
РЕДИСКА.....	22
САЛАТ.....	23
ПЕТРУШКА.....	23
УКРОП.....	24
КАШНИЧ.....	25
ПИЁЗ.....	26
САРИМСОҚ.....	27
САБЗАВОТ (ШИРИН) МАККАЖЎХОРИ	28
ҚОВУН.....	29
ТАРВУЗ.....	31